



## ҚУЛАЙ ИНВЕСТИЦИЯ МУҲИТИНИ ШАКЛЛАНТИРИШДА ИНВЕСТИЦИЯ ЛОЙИҲАЛАРИНИ МОЛИЯЛАШТИРИШ МУАММОЛАРИ



**Шерхон Туйчиев**

Тошкент давлат иқтисодиёт университети  
Самарқанд филиали катта ўқитувчиси, PhD

**Аннотация:** Ушбу мақолада тадбиркорлик субъектлари учун қулай инвестиция муҳитини шакллантиришда инвестиция лойиҳаларини молиялаштириш бўйича юзага келаётган муаммолар ва уларнинг ечимига доир фикрлар, шунингдек хулоса ва таклифлар ёритилган.

**Калит сўзлар:** инвестиция, инвестиция муҳити, молиялаштириш, инфляция даражаси, рейтинг агентлиги.

**Аннотация:** В данной статье представлены рассуждения, выводы и предложения по возникающим проблемам и решениям финансирования инвестиционных проектов при создании благоприятного инвестиционного климата для бизнеса.

**Ключевые слова:** инвестиции, инвестиционная среда, финансирование, уровень инфляции, рейтинговые агентства.

**Abstract:** This article presents the reasoning, conclusions and suggestions for emerging issues and solutions for financing investment projects while creating a favorable investment climate for business.

**Keywords:** investment, investment environment, financing, inflation level, rating agencies.

### 1. Кириш

Мамлакат ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан тараққий этиши, барқарор иқтисодий ўсишга эришиши, аҳоли даромадларининг ошиши, турмуш шароитининг яхшиланиши аксарият ҳолатларда миллий иқтисодиётнинг турли соҳа ва тармоқларига жалб этилаётган инвестиция маблағларининг ҳажми ва таркибига боғлиқ. Шундай экан, ҳар бир мамлакат ижтимоий-иқтисодий ривожланиш стратегиясининг устувор йўналиши миллий иқтисодиётга инвестиция маблағларини жалб этишнинг жозибадор муҳитини шакллантиришга қаратилиши муқаррардир.

Мамлакатимиз Президенти таъкидлаганидек, “Одамларимиз етарли даромад топиши учун энг қулай бизнес ва инвестиция муҳитини шакллантириб, янги-янги корхоналар ва иш жойларини кўпайтиришимиз зарур. Бу ғоят долзарб ишларни ўзимиз қилмасак, ҳеч ким бизга четдан келиб қилиб бермайди” [1].

Мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий тараққиётини ривожланаётган давлатларнинг иқтисодий жиҳатдан юқори ривожланиш даражасига етказиб олишни мақсад қилган Ўзбекистон учун республиканинг инвестицион жозибadorлигини тадқиқ этиш, инвестиция маблағларини ички капитал ресурслар ҳамда хорижий инвестиция ва кредитлар асносида кўпайишига эришиш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш муҳим аҳамият касб этади.

## 2. Мавзуга оид адабиётлар шарҳи

Аксарият муаллифлар инвестицион муҳит муаммоларига мурожаат этганларида тадқиқ этилаётган категориялар мазмунини турлича таърифламоқдалар. Баъзиларининг фикрича, “инвестицион муҳит” тушунчаси маълум минтақада ўз ижтимоий-иқтисодий тизимида амалга оширилиши мумкин бўлган инвестициялар бўйича ривожланаётган вазиятнинг мақбул даражасини акс этиради [2]. Кўпинча у “Ҳар қандай давлатда мавжуд тадбиркорлик инфратузилмаси сифати, инвестициялар самарадорлиги ва капитални инвестициялашда юзага келиши мумкин бўлган хавф-хатар даражасини белгиловчи сиёсий, ижтимоий-маданий, молиявий, иқтисодий ва ҳудудий шароитлар мажмуи” деб талқин этилади [3]. Бу таърифдан “Инвестицион муҳит корхонанинг ташқи муҳити омилларидан бири бўлиб, корхона учун салоҳиятли инвесторларнинг афзал томонларини белгилаб беради” деган хулоса чиқариш мумкин. Шундай экан, инвестицион муҳит молиявий қўйилмалар жозибadorлигининг маълум бир даражасини яратувчи ижтимоий, иқтисодий, сиёсий ва бошқа шароитлар мажмуадир.

Иқтисодчи олимлардан А. Вахабов, Ш.Хажибакиев, Н.Муминовлар инвестиция муҳити тўғрисида қуйидагиларни таъкидлаб ўтадилар: «Инвестиция муҳити – бу хорижий капитал қўйилмаларининг қалтислик даражасини ва улардан мамлакатда самарали фойдаланиш имкониятларини олдиндан белгилайдиган иқтисодий, сиёсий, юридик ва ижтимоий омиллар йиғиндисидир. Инвестиция муҳити комплекс, кўпқиррали тушунча бўлиб, миллий қонунчилик, иқтисодий шарт-шароитлар (инқироз, ўсиш, стагнация), божхона режими, валюта сиёсати, иқтисодий ўсиш суръатлари, инфляция суръатлари, валюта курсининг барқарорлиги, ташқи қарздорлик даражаси каби кўрсаткичларга эга» [4].

## 3. Тадқиқот методологияси

Мақолада илмий мушоҳада, абстракт-мантиқий фикрлаш, маълумотларни гуруҳлаш усулларидан фойдаланилди.

## 4. Таҳлил ва натижалар

Ўзбекистонда инвестиция муҳитини тубдан яхшилаш мақсадида, шунингдек, 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси ва Ўзбекистон Республикасида Маъмурий ислохотлар концепциясига мувофиқ, 2018 йил 1 октябрдан инвестиция фаолиятини амалга ошириш учун ер участкаларини беришнинг қуйидаги янги механизмлари жорий этилмоқда:

- қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган ер участкасини 50 йилгача муддатга, лекин аризада кўрсатилганидан кам бўлмаган муддатга инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш учун узоқ муддатли ижарага бериш;

- кўчмас мулк объектларини (меҳмонхоналар, савдо объектлари, маданий-кўнгилочар мажмуалар, маиший хизмат кўрсатиш объектлари, таълим ва тиббиёт ташкилотлари, йўл инфратузилмаси ва бошқалар) қуриш учун ер участкаларига доимий эгалик қилиш ҳуқуқини аукцион орқали сотиш;

- хорижий инвестициялар, биринчи навбатда, тўғридан-тўғри хусусий инвестицияларни жалб қилиш, бунинг учун зарур инвестицион муҳит ҳамда хорижий инвесторлар учун кафолатларни яратиш – миллий иқтисодий тизимли таъминланиши ва ишлаб чиқариш модернизациясининг экспорт ўсиши ва импорт ўрнини босиш таъминланишининг муҳим шартларидандир [5].

Ўзбекистонда хорижий инвесторларни жалб этиш учун шарт-шароитлар сифатида сиёсий барқарорлик, хусусий мулк ва рақобатни ҳимоялайдиган қонунчилик базасининг шаклланиши, инвестиция жараёнини қўллаб-қувватлайдиган инфратузилманинг барпо этилганлиги, мамлакатнинг қулай георафик жойлашуви, минерал-хомашё ресурсларига бойлиги, юқори малакали меҳнат ресурсларининг мавжудлиги ва бошқаларни эътироф этиш мумкин.

Хорижий инвесторлар учун берилган имтиёзлар ва молиявий-иқтисодий рағбатлантириш тизими, инвестициявий жозибадорликнинг муҳим омили ҳисобланади. Булар эса тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни ишлаб чиқариш соҳасида, хусусан, экспорт салоҳияти юқори бўлган саноат тармоғига йўналтирилишини таъминлайди.

Шу билан бирга, хорижий инвестицияларни миллий иқтисодиётга жалб қилишнинг муҳим йўналишларидан бири - махсус иқтисодий зоналарни шакллантириш ҳисобланади. Мамлакатимизда Навоий, Жиззах, Ангрен, Ёждувон, Қўқон, Ургут, Хазорасп эркин иқтисодий зоналари ташкил этилиб, улар бугунги кунда ўз фаолиятларини самарали юритишмоқда.

Инвестицион муҳитнинг тадқиқ этилаётган объекти мамлакатлар, улардаги минтақалар, шаҳар ва тармоқлар ҳисобланади. Инвестицион муҳитни баҳолаш усуллари жуда кўп бўлиб, фойдаланилувчи услубиятлар турличадир. Бир қатор давлатларда, чунончи, Японияда ҳеч қандай миқдорий баҳоловларсиз тавсифланувчи усуллар қўлланилади [6]. Лекин иқтисодий кўрсаткичларнинг рақамлар билан ифодаланган усули жуда кенг тарқалган.

Баъзи давлатлар ўртасида муҳим иқтисодий ва сиёсий фарқларни ҳисобга олган ҳолда, миллий иқтисодиётнинг турли йўналишлари бўйича аниқ афзалликларни ойдинлаштириш ўта қийин иш. Ўтиш иқтисодиётига эга мамлакатлар, жумладан, Россия Бери индекси усулидан фойдаланади. Баҳолаш 15 та мезон бўйича олиб борилади ва унда энг катта кўрсаткич сифатида сиёсий барқарорликка урғу берилади [4].

Инвестицион муҳитни баҳолашда турли миллий ва халқаро агентликлар берган рейтинг муҳим аҳамиятга эга. Йирик ва жуда машҳур рейтинг агентликлари биринчи бўлиб АҚШда ташкил этилган. Moody's Investors, Standard & Poor's, Fitch – ИБСА агентликлари шулар сирасидан. Улар ўндан ортиқ мамлакатда ўз

ваколатхоналарига эга бўлиб, барча давлатларга баробар стандартлар асосида фаолият юритади ҳамда баҳолашнинг бир хил усули ва рейтинг шкалаларидан фойдаланишади. Бу, бир томондан, ижобий ҳолат ҳисобланса-да, бошқа томондан, халқаро молиявий бозорларга мўлжалланган рейтинглар миллий ва минтақавий хусусиятларни ҳисобга олмайди.

Тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар 4,2 миллиард долларни ташкил этиб, 2018 йилга нисбатан 3,1 миллиард долларга ёки 3,7 баробар ўсди. Инвестицияларнинг ялпи ички маҳсулотдаги улуши 37 фоизга етди [1].

Иқтисодийни модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш учун жаҳонда мавжуд илғор технологиялардан ва тажрибадан фойдаланиш зарур. Бу дунёдаги барча мамлакатларнинг иқтисодийетида кенг кузатилмоқда. Жаҳон молиявий инқирози кўплаб мамлакатларда ялпи талабнинг қисқаришига олиб келмоқда ва бу маҳаллий ишлаб чиқарувчи корхоналаримизни экспорт кўламига жиддий таъсир кўрсатади. Ишлаб чиқаришни модернизациялаш корхоналаримизнинг рақобатбардошлигини ошириш билан бирга ички бозор ҳажмига ҳам ижобий таъсир этади, даромадлар юксалиши инвестицион товарларга ҳам, истеъмол товарларига ҳам талабни кенгайтиради. Бу эса хорижий инвесторларнинг фаолиятига ҳам қулайроқ шароитларни вужудга келтиради.

Мамлакат ишлаб чиқариш салоҳиятининг ошиши, иқтисодий ўсиш суръатлари, моддий ва маънавий неъматларни ишлаб чиқариш ҳажми ва сифатининг ошиши, жамики инфратузилманинг ривожланиши кўп жиҳатдан инвестицияларга ва инвестиция сиёсатига боғлиқ бўлади.

Иқтисодийда таркибий ўзгаришларни янада чуқурлаштириш, корхоналарнинг инвестиция фаолиятини жадаллаштириш, ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик жиҳатдан қайта қуролаштириш дастурини амалга оширишда хорижий инвестициялар, аввало, тўғридан-тўғри инвестицияларнинг ўрни беқиёсдир. Бунда илғор технологияларни татбиқ этиш, янги иш ўринлари яратиш ва шу асосда мамлакатимиз иқтисодийетининг барқарор ва бир маромда ривожланишини таъминлаш имконияти яратилади. Ривожланган давлатлар тажрибаси шуни кўрсатадики, чет эл инвестицияси жалб қилиниши мазкур давлатларнинг юксак даражада тараққий этишида ҳал қилувчи омиллардан бири бўлган.

Иқтисодийдаги таркибий ислохотларни янада чуқурлаштириш, корхоналарнинг инвестицион фаолиятини янада жонлантириш, хорижий инвестицияларни, аввало, тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни кенг жалб этиш ва улардан самарали фойдаланиш, ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик қайта қуролаштириш, янги иш ўринларини шакллантириш ва шу асосда миллий иқтисодийетимизни барқарор ва жадал ривожлантиришни таъминлаш мақсадида республика бюджетидан катта миқдорда маблағлар ажратилмоқда.

Ўзбекистон иқтисодийетини модернизация қилишнинг ҳозирги босқичида инвестицион фаолиятни амалга ошириш механизмларини янада такомиллаштириш талаб этилмоқда. Инвестиция бозорини шакллантириш инвестиция ресурсларини тўплаш, жамғармаларни инвестицияларга айлантириш,

улардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш муаммоларини ҳал этишнинг зарурий шarti ҳисобланади.

Ҳуқуқий жиҳатдан инвестициялар тушунчаси “инвестор томонидан фойда олиш мақсадида ижтимоий соҳа, тадбиркорлик, илмий ва бошқа фаолият турлари объектларига таваккалчиликлар асосида киритиладиган моддий ва номоддий бойликлар ҳамда уларга бўлган ҳуқуқлар, шу жумладан интеллектуал мулк объектларига бўлган ҳуқуқлар, шунингдек реинвестициялар” деб таърифланган [7]. Тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни ва юқори технологияларни, бошқарув кўникмаларини жалб қилиш миллий фирмаларнинг ишлаб чиқариш усулларига муайян ўзгаришларни олиб киради. Иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш ва иқтисодиётни модернизациялаш нуқтаи назаридан тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар оқимини рағбатлантириш керак, уларсиз юқори технологияларни қўллаб бўлмайди. Технологияларнинг ўзини сотиб олиш кўпгина ривожланаётган мамлакатлар ҳамда ўтиш иқтисодиёти давлатлари учун қимматга тушади ва кўпинча бунинг иложи ҳам бўлмайди. Тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар маҳаллий фирмаларда мавжуд юқори технологиялар пакетини ошириши мумкин. Янги технологияларни маҳаллий шароитларда мослаштириш ҳам муҳимдир.

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, инвестиция муҳити мажмуавий ва кўп босқичли тушунчадир. Бу мажмуавийлик, юқорида таъкидлаганимиздек, инвестицион фаолият учун шарт-шароит яратувчи кўплаб омиллар таъсирида шаклланаётир.

Инвестицион муҳитнинг кўп даражали характери унинг мамлакат, минтақа, иқтисодиёт тармоқлари даражасида баҳоланишини билдиради. Агар хорижий инвестор учун мамлакат рейтинги қатъий аҳамиятга эга бўлса, минтақа ва тармоқ рейтинги хорижий ҳамда маҳаллий инвесторлар учун муҳимдир.

Инвестор инвестицион жозибадорликни баҳолаш орқали маблағ киритиладиган объектни танлайди. Уни баҳолашга ёндашув объектнинг янгилиги ёки ҳаракатдалиги нуқтаи назаридан турли-тумандир. Лекин ҳар қандай вазиятда ҳам инвестицион муҳитни баҳолаш каби инвестор учун инвестициялаш самарадорлиги ва хатари жуда муҳимдир. Фақат ушбу муаммонинг ечимига ёндашувлар турличадир.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган иқтисодий ислохотларнинг асосийларидан бири бўлиб, мамлакатнинг сиёсий ҳолати, мавжуд бўлган табиий ресурслар захираси, инвесторлар учун яратилган имтиёзлар, инфратузилма ҳолати, ҳудудларнинг инвестицион рейтинги хорижий инвестициялар оқими ҳамда ички инвестицияларнинг фаоллашувига таъсир кўрсатади. Бунда асосий капиталга йўналтирилган инвестициялар ҳажми инвестицион салоҳият ва иқтисодий салоҳият кўламининг юзага келишини таъминлаш учун хизмат қилади.

Ҳудудларнинг табиий-географик жойлашуви, тармоқлар кесимида эндоген омилларни ҳисобга олиш, инвестицион жозибадорликни акс этувчи кўрсаткичларни баҳолаш инвестиция маблағлари йўналтирилган объектдан келадиган даромад (иқтисодий қайтим) ҳамда инвестиция рискинни аниқлаш орқали амалга оширилади.

Жаҳон амалиётида кенг тарқалган мамлакат ҳудудларининг инвестицион муҳит жозибadorлигини аниқлашнинг Genuine saving (GS), The Global Competitiveness Index (GCI) каби асосий индексларида Ўзбекистоннинг иштирокини таъминлаш бўйича ҳозирда услубий асослар ишлаб чиқилмаган. Ушбу индексларда Ўзбекистоннинг иштироки инвесторлар учун мамлакатнинг барқарор иқтисодий ўсишга эришиш қобилиятини аниқлаш, технологиялар, давлат институтлари ва макроиқтисодий ҳолатини баҳолашни таъминлайди.

## 5. Хулоса ва таклифлар

Юқоридаги мулоҳазалардан келиб чиқиб қуйидаги хулоса ва таклифлар ишлаб чиқилди.

- Жаҳон амалиётида кенг тарқалган мамлакат ҳудудларининг инвестицион муҳит жозибadorлигини аниқлашнинг Genuine saving (GS), The Global Competitiveness Index (GCI) каби асосий индексларида Ўзбекистоннинг иштирокини таъминлаш услубий асосларини ишлаб чиқиш;

- Инвестор инвестицион жозибadorликни баҳолаш ва бу орқали инвестициялаш самарадорлиги ва хатари ҳисоблаш кўрсаткичларини ишлаб чиқиш;

- жалб этилаётган ички ва хорижий инвестицияларни дастурий харитасини тузиш ва улар бевосита инвестицион таҳлилларга асосланган бўлишини таъминлаш;

- инвестицион сиёсатни шакллантиришда, инвестицион эҳтиёжни, инвестицион фаолликни ва инвестицион фаолият самарадорлигини инобатга олиш ва бошқ.

## Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. //Халқ сўзи, 2020 йил 25 январь, № 19 (7521)-сон. 1-б.
2. Берзон Н. Формирование инвестиционного климата в экономике. Вопросы экономики. 2001 год, 112-114-стр.
3. Международные валютно-кредитные и финансовые отношения. Учебное пособие. Под редакцией Красавиной Л.Н. М.: Финансы и статистика. 2000 год, 36-38-стр.
4. Вахабов А.В., Хажибакиев Ш.Х., Муминов Н.Г. Хорижий инвестициялар. Учебное пособие. - Т.: Молия, 2010. - С. 286.
5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сонли фармони
6. Norbury P. (ed.). Business In Japan: a Guide To Japanese Business Practice And Procedure. Fully Revised Edition. – Routledge, 2019.
7. Ўзбекистон Республикасининг “Инвестициялар ва инвестицион фаолият тўғрисида”ги қонуни. 2019 йил 25 декабрда қабул қилинган. <https://lex.uz/acts/4664142> Мурожаат санаси: 13.08.2024 йил

Copyright: © 2024 by the authors. This work is licensed under a Creative Commons Attribution- 4.0 International License (CC - BY 4.0)

